



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 16 ноябрь, № 225 (5899)

Шанба

## хабарлар

Янгиликлар, воқеалар

■ Наманган туманида ташкил этилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Aisha home textile" қўшма корхонаси ўз фаолиятини экспорт амалиёти билан бошлади.

### Дастлабки маҳсулот — экспортга

Бу ерда ишлаб чиқарилган момик сочиқларнинг асосий қисми ташқи бозорда сотилмоқда. Корхона таъсисчилари ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 2 миллион 286,3 минг АҚШ доллари миқдорда инвестиция йўналтиришди. Айни пайтда бу ерда 56 киши меҳнат қилаётди. Улар томонидан ўтган қисқа вақт ичида тайёрланган маҳсулотнинг 456,7 минг долларга тенг қисми хорижга жўнатилди. Таъкидлаш лозимки, Наманганда бугунги кунга келиб ташқи савдо амалиёти билан шуғулланаётган кичик бизнес субъектлари сони 80 тадан ошиб кетди. Пировардида жорий йилнинг ўн ойида худудий экспортчи корхоналар томонидан 28,9 миллион АҚШ доллари тенг маҳсулот хорижга чиқарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар ўсишга эришилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Тижорат банклари томонидан ажратилган 1 миллиард 300 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар туфайли жорий йилда Сирдарё вилоятидаги коллежларни битирган ёшлардан 373 нафари тadbиркорлик фаолиятини бошлади.

### Ёш тadbиркорларга — имтиёзли кредит

Айни пайтда улар тadbиркорликнинг турли йўналишларида муваффақиятли иш юритишмоқда. Хусусан, Гулистон туманидаги Бешбуёқ маиший хизмат кўрсатиш коллежи тамомланганларнинг 23 нафари ана шундай кулай имкониятга эга бўлди. — Молия муассасаси-

нинг мадади билан паррандачиликни йўлга қўйдим, — дейди шу коллежнинг собиқ ўқувчиси Моҳинур Зарипова. — Келгусида ўз фаолиятини кенгайтириб, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуришни ҳам режалаштирялман.

Аҳмадоли ШЕРНАЗАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Урганч шаҳридаги "Чолиш трейдинг" хусусий корхонасида қурилиш маҳсулоти — рубероид ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг учун 130 миллион сўм йўналтирилиб, 10 кишининг бандлиги таъминланди.

### Сармоя самараси

Хозир корхонада ойига ўртача 100 миллион сўмлик қурилиш маҳсулот тайёрланапти. Келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига маҳсулот сифати ва ҳажмини янада ошириш кўзда тутилган. Шунинг билан керакки, жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида вилоятда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига 230,7 миллиард сўмлик кредитлар берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 39,4 фоиз юқори кўрсаткичдир.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Кармана туманидаги "Бешкент" фермер хўжалиги жамоаси молия муассасасининг 70 миллион сўмлик кредитига таяниб, гўштни қайта ишлаш технологик линиясини ишга туширди.

### Фермернинг илғор ускуналари

Йилига 40 тонна колбаса ва гўшт маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга корхонанинг ўн кишилик жамоаси томонидан жорий йилнинг сўнгги уч ойи мобайнида истеъмолчиларга 60 миллион сўмлик сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

— Келгусида хўжалигимиз қошида мевани қайта ишлаш цехини ҳам ишга тушириш ниятидмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Муҳиддин Аҳмедов.

Азамат ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик ва тараққиёт



“Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий маъқедан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасидан).



### 16 НОЯБРЬ — ХАЛҚАРО БАҒРИКЕНГЛИК КУНИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлики таъминлаш учун барча ҳуқуқий асослар ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Бағрикенглик маданиятини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларимизда таълимни етти тилда олиб бориш йўлга қўйилган, кўп сонли миллатлар тилида газе-

та ва журналлар чоп этилаётгани, радио ҳамда теледастурлар эфирга узатилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Инсонлар орасидаги ана шу ўзаро ҳурмат муҳити, улар қайси тилда сўзлашишдан қатъи назар, Ўзбекистон деб аталган умумий уйимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва оқсоқилларнинг энг муҳим асоси ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда”.

Маълумки, 1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессияси бўлиб ўтган эди. Ана шу нуфузли анжуманда “Бағрикенглик тамойиллари тўғрисида”ги

Декларация қабул қилинган. Шундан буён мазкур сана Халқаро бағрикенглик куни сифатида бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам кенг нишонлаб келинади. Бундан кўзланган асосий мақсад инсониятни бағрикенгликка, тинчлик ва оқсоқилликни сақлашга ундашидир.

Таъкидлаш жоиз, байрамлар, нуфузли тadbирлар ва мана шундай муҳим саналар арафасида мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларидан тахририятимизга дил сўзлари битилган мактублар келиши аниқлашга эришилган. Уларда бугунги осуда ва фаровон ҳаётимизга шукроналик ҳисси уфуриб туради. Қуйида ана шундай номалардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Александр КИМ,  
Навоий вилояти корейс миллий маданий маркази раиси,  
“Дўстлик” ордени соҳиби:

— Президентимиз ажойиб бир таърифни келтирганлар: “Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир”. Ушбу фикрнинг ўзиёқ юртимизда, она-Ватанимизда бағрикенглик тамойилларига қанчалар катта аҳамият қаратилишини яққол ифодалаб беради. Биз ана шундай бебаҳо муҳитда, ҳар бир миллат вакиллари учун тенг ҳуқуқли шароит яратилган, ўзаро ҳурмат ҳамда меҳр-оқибат тушунчалари улуғланадиган гўзал заминда яшаётганимиздан чексиз фخرланамиз.

(Давоми 2-бетда).

## ШҲТга аъзо давлатлар транспорт вазириларининг кенгаши

Тошкентда 15 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га аъзо давлатлар транспорт вазириларининг олтинчи кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси, Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси транспорт вазириларининг раҳбарлари, шуниингдек, ШҲТ Бош котибининг ўринбосари А. Носиров иштирок этди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвест-

тициялар ва савдо вазири Э. Ганиев раислигида ўтди.

ШҲТга аъзо давлатлар ҳамкорлиги барча йўналишлар, шу жумладан, транспорт соҳасида ҳам самарали ривожланмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда фаровонликка эришишда

муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тadbирда ШҲТ доирасида транспорт соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

Тadbир иштирокчилари ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг шу йил 13 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисида транспортни ва минтақавий транспорт коридорларини ривожлантириш борасида эришилган келишувларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

## Суд жараёнида тортишув институти ва халқаро амалиёт

Мамлакатимизда истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, хусусан, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигини бугунги талаб даражасида такомиллаштириш, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш ҳамда суд жараёнида томонлар тортишуви принципини қўллаш механизмини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

### КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурдаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича Тadbиркорлик маркази томонидан “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда

ташкил этилган “Жиноят ва фуқаролик ишлари жараёнида томонлар тортишуви: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт” мавзусидаги тadbирда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Унда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар судлари судьялари, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирилик вакиллари, адвокатлар, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари, Америка Қўшма Штатлари федерал ва штат олий суди судьялари, прокурорлари, словениялик экспертлар қатнашди.

Этироф этилганидек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси соҳа ислохотларида янги даврни бошлаб берди. Зеро, мазкур ҳужжат асосида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, соҳада амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг яққол самарасидир.

Бугун фуқаролар биринчи

инстанция суди қароридан норози бўлган тақдирда, ҳуқуқ ва манфаатини апелляция ёки кассация инстанциясида, адвокат иштирокида ҳимоя қилиш имкониятига эга. Муҳими, бу тартиб биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган ҳатоларни ўз вақтида тузатиш ва суд фаолиятида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг кафолатига айланган. Шуларга мос равишда иқтисодий соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш амалиёти кенгайтирилди.

(Давоми 2-бетда).

### 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



## Саодатга элтувчи қудратли тимсол

Инсон қалби, руҳияти ва шури кўпга орзумидларга жавоб берадиган ҳаётбахш тимсолларга ҳаммиша эҳтиёж сезади. Модомики шундай экан, буюк келажақ сари шиддат билан интилаётган Ватанимизнинг бугунги маънавий ҳаётини ҳам миллийлик руҳи сингдирган, халқимиз мақсадларига мос келадиган давлат рамзларисиз тасаввур этиб бўлмайд.

Жумладан, мовий ранг тириклик омили бўлган мангу осмон ва обиҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу яхшилик, дошиманглик, садоқатни билдиради. Байроқдаги оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чарогонлиги ва қонун ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади.

Президентимиз Ислом Каримов 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонунга имзо чекиди. Бу билан халқимиз ўзи ис- таган ва танлаган йўл —

эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш мақсадида қудратли тимсолга эга бўлди. Ўз қадр-қимматимиз, таянч ва суянчимизни чуқурроқ англай бошладик.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғида халқимизнинг тарихий, маданий илдизлари ифода этилган. Байроғимиздаги ҳар бир ранг, чизиқ, белги теран рамзий маънога эга.

(Давоми 2-бетда).

## Демократик янгиликлар

мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади

Шу кунларда давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармойиши асосида Самарқанд ва Бухоро вилоятларида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг синовий бўйича ҳуқуқий эксперимент қизғин давом этапти.

### ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўз навбатида, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожазлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан кенг муҳокамалар бўлиб ўтмоқда. Мана шундай жараёнлар чоғида олинаётган таклиф ва тавсиялар эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ишчи гуруҳ аъзолари, экспертлар томонидан муфассал ўрганиб чиқилди. Буларнинг барчаси юқорида номи тилга олинган ҳуқуқий ҳужжатларни бугунги реал ҳаёт талаблари, демократик тамойиллар асосида маромига етказиш, уларнинг самарадорлигини таъминлашда аниқ мудоаодир. Шубҳасиз, ҳар иккала қонун лойиҳаси ривожлантирилиши ва уларнинг қабул қилинишидан жамиятнинг барча аъзолари қатори худудлар тараққийининг энг фал ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бо- раётган фермер хўжа-

ликлари ҳам бирдек манфаатдордир.

Яқинда қуйи палата Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатиде шулар ҳақида сўз борди. Унда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, тегишли вазириликлар, Конституциявий ва Олий суд, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳамда қатор нодавлат ноҳижорат ташкилотлари масъул ходимлари, шуниингдек, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари раҳбарлари, олимлар, мутахассислар қатнашди.

Қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш, фермер хўжаликларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатларини изчил яхшилаш юзасидан аниқ мақсадли таклифлар ишлаб чиқиш тadbир кун тартибидан жой олди.

(Давоми 2-бетда).



**Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

- **лойиҳа раҳбарлари;**
- **лойиҳа раҳбарлари ўринбосарлари;**
- **бош илмий ходим;**
- **етақчи илмий ходим**

**лавозимларига куйидаги бўлимлар (лойиҳалар) бўйича танлов эълон қилади:**

- аҳоли турмуш даражаси ва сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, тизимли таҳлил этиш ҳамда мониторинг қилиш лойиҳаси;
- аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг турли таркибини социологик тадқиқ қилиш лойиҳаси;
- жамиятнинг ижтимоий табақаланиш жараёнлари ва суръатини чуқур ўрганиш ва мониторинг қилиш лойиҳаси;
- истеъмол саватининг таркибини аниқлаш ва унинг ўзгариш суръатини мониторинг қилиш лойиҳаси.

**Танловда иштирок этувчиларга малакавий талаблар:**

- **лойиҳа раҳбарига:**  
фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, камида беш йиллик илмий тадқиқот ёки ихтисослиги бўйича амалий меҳнат стажига эга, илмий йўналиши бўйича чоп этилган мақолалари бўлган шахслар;
- **лойиҳа раҳбари ўринбосарига:**  
фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, камида уч йиллик илмий тадқиқот ёки ихтисослиги бўйича амалий меҳнат стажига эга, илмий йўналиши бўйича чоп этилган мақолалари бўлган шахслар;
- **бош илмий ходимга:**  
фан доктори илмий даражасига, камида уч йиллик илмий тадқиқот ёки ихтисослиги бўйича амалий меҳнат стажига эга, илмий йўналиши бўйича чоп этилган мақолалари бўлган шахслар;
- **етақчи илмий ходимга:**  
фан номзоди илмий даражасига эга, камида уч йиллик илмий тадқиқот ёки ихтисослиги бўйича амалий меҳнат стажига эга, илмий йўналиши бўйича чоп этилган мақолалари бўлган шахслар.

**Мурожаатлар 2013 йил 20 декабрь қадар қабул қилинади.**

Маълумот учун телефонлар:  
(8-371) 239-19-52, 239-14-18.  
Факс: (8-371) 244-70-02.  
Моб. тел.: (+99895) 177-45-45.

**Республика ихтисослаштирилган  
педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази**

**2013/2014 ўқув йилига катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилик институтига куйидаги мутахассисликлар бўйича танлов эълон қилади:**

- **Катта илмий ходим-изланувчиликка:**
  - Педиатрия - 14.00.09 бўйича — 1 ўрин.
- **Мустақил изланувчиликка:**
  - Педиатрия - 14.00.09 бўйича — 2 ўрин.
  - Педиатрия - 14.00.09, Клиник радиология - 14.00.19 бўйича — 1 ўрин.
  - Клиника-лаборатор диагностика - 14.00.25 бўйича — 1 ўрин.

Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, Талант тор кўчаси, 3-уй.  
Мурожаат учун телефон: (8-371) 229-38-74.

**«Universal auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали**

**очик аукцион савдоларига таклиф этади.**

2013 йил 2 декабрь куни соат 15.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги мулклар куйилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси, Тахтакўпри тумани ва Нукус шаҳар ЖИБ судининг 2011 йил 28 ноябрдаги 210-сонли, 2012 йил 25 мартдаги, 2012 йил 24 августдаги, 2013 йил 7 мартдаги ва 2013 йил 30 апрелдаги ижро варақаларига асосан, Тахтакўпри тумани ва Нукус шаҳар СИБ томонидан хатланган:

- Тахтакўпри тумани, «Жанадарья» ш/ҳда вақтинча сақланаётган, ўрта ёшдаги 10 дона совлиқ куй, ҳар бирининг **бошланғич баҳоси — 243 000 сўм.**
- Тахтакўпри тумани, «Белтау» ОФИда вақтинча сақланаётган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган «Т-4А» русумли трактор, завод рақами 342838. **Бошланғич баҳоси — 12 655 440 сўм.**
- Тахтакўпри тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «Урал» русумли мотоцикл, давлат рақамисиз. **Бошланғич баҳоси — 265 721 сўм.**
- Тахтакўпри тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, «М-412ИЭ» русумли автомашина, давлат рақами 23 G 0016. **Бошланғич баҳоси — 1 469 664 сўм.**
- Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЙХХБда вақтинча сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СНГ ВАЗ 21061» русумли автомашина, давлат рақами 95 V 968 AA. **Бошланғич баҳоси — 5 103 000 сўм.**
- Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2010 йил 4 январдаги 23-0903/12806-сонли ва 2013 йил 4 мартдаги 23-1307/2074-сонли ижро варақаларига асосан, Беруний тумани СИБ томонидан хатланган, Беруний тумани «Алғабас» МТПда вақтинча сақланаётган, 1950 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-150» русумли автомашина, давлат рақами 23 AJ 110. **Бошланғич баҳоси — 630 078 сўм.**
- Беруний туманининг Бройлер фабрикаси аҳоли пунктида вақтинча сақланаётган:
  - 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-431410» русумли автомашина, давлат рақами 23 A 1707. **Бошланғич баҳоси — 10 210 050 сўм.**
  - 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-28х4 МС1» русумли трактор, давлат рақами 02-50 ЕГ.

**Бошланғич баҳоси — 5 036 580 сўм.**

- 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-28х4 МС1» русумли трактор, давлат рақами 02-52 ЕГ.
- **Бошланғич баҳоси — 5 036 580 сўм.**
- 1989 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-5312» русумли автомашина, давлат рақами 93-51 КПМ. **Бошланғич баҳоси — 1 141 938 сўм.**
- 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «М 37161 ГАЗ-53» русумли автомашина, давлат рақами 16-92 КПН. **Бошланғич баҳоси — 925 709 сўм.**
- 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «МПР 9924 ГАЗ-52» русумли автомашина, давлат рақами 04-89 КПН. **Бошланғич баҳоси — 643 302 сўм.**

Мақзур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 17 декабрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2013 йил 17 декабрь куни соат 15.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги мулклар куйилмоқда:

- Тахтакўпри ва Амударё туманлари ЖИБ судларининг 2013 йил 22 августдаги, 2013 йил 4 сентябрдаги 1-176-сонли, 2013 йил 6 сентябрдаги 1-171-сонли ва 2013 йил 19 сентябрдаги 1-190-сонли ижро варақаларига асосан, Беруний ва Тахтакўпри туманлари СИБ томонидан хатланган, Беруний ва Тахтакўпри ИИБда вақтинча сақланаётган:
  - 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «М-412» русумли автомашина, давлат рақами 23 L 2370. **Бошланғич баҳоси — 726 000 сўм.**
  - 1973 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-24» русумли автомашина, давлат рақами 23 C 4454. **Бошланғич баҳоси — 678 000 сўм.**
  - Ишлаб чиқарилган йили номаълум «ГАЗ-24» русумли автомашина, давлат рақами 22 E 7983. **Бошланғич баҳоси — 2 520 000 сўм.**
  - 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СНГ НЕКСИЯ GLE» русумли автомашина, давлат рақами 95 B 494 BA. **Бошланғич баҳоси — 25 200 000 сўм.**

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2013 йил 10 июндаги ижро варақасига асосан, Шуманай тумани СИБ томонидан хатланган, Шуманай тумани, Ўзбекистон кўчаси ва «Бег жап» ОФИда вақтинча сақланаётган:

**«Universal auktsion invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиали**

**очик аукцион савдоларига таклиф этади.**

2013 йил 2 декабрь куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига Марғилон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Риштон тумани судининг 2012 йил 25 июндаги 1-117-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «Наврўз» МФЙ, Саккокий кўчаси, 2-уйда сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари ва тракторлар такроран куйилмоқда:

- 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Тисо» русумли, ҳаворанг тусли, давлат рақами 40 953 EAA. **Бошланғич баҳоси — 9 337 054 сўм.**
- 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Тисо» русумли, яшил рангли, давлат рақами 40 957 EAA. **Бошланғич баҳоси — 10 098 538 сўм.**
- 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21063» русумли, оқ рангли, давлат рақами 40 965 EAA. **Бошланғич баҳоси — 4 312 769 сўм.**
- 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-5549» русумли, сариқ рангли, давлат рақами 40 964 EAA. **Бошланғич баҳоси — 6 055 071 сўм.**
- 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-5549» русумли, ҳаворанг тусли, давлат рақами 40 952 EAA. **Бошланғич баҳоси — 5 898 648 сўм.**
- 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-5549» русумли, сариқ рангли, давлат рақами 40 966 EAA. **Бошланғич баҳоси — 5 898 648 сўм.**
- 1976 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-5204» русумли, жигарранг тусли, давлат рақами 40 958 EAA. **Бошланғич баҳоси — 3 146 415 сўм.**
- 1977 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-5204» русумли, жигарранг тусли, давлат рақами 40 960 EAA.

**Бошланғич баҳоси — 3 146 415 сўм.**

- 1976 йилда ишлаб чиқарилган, «КРАЗ-257 К» русумли, яшил рангли, давлат рақами 40 9574 EAA. **Бошланғич баҳоси — 11 396 629 сўм.**

Мақзур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 18 декабрь куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

2013 йил 17 декабрь куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига Ўзбекистон тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 30 декабрдаги 15-1209/34483-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қайнар» ҚФЙ, Янгибод қишлоғи, «Яйпан тарақийёт таъмир» МЧЖда сақланаётган куйидаги темир-бетон қолиплари ва пайвандлаш механизми куйилмоқда:

- 1 дона «БОС-3» номли темир-бетон қолип. **Бошланғич баҳоси — 5 445 048 сўм.**
- 1 дона «ФЕС» блок номли темир-бетон қолип. **Бошланғич баҳоси — 6 802 455 сўм.**
- 1 дона «ФЕС» блок номли темир-бетон қолип. **Бошланғич баҳоси — 6 802 455 сўм.**
- «САК» (мотор Т-28х4) пайвандлаш механизми. **Бошланғич баҳоси — 24 027 018 сўм.**

Мақзур ускуналар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда уларнинг такрорий савдоси 2014 йил 2 январь куни соат 10.00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш банк иш куни бўйича аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги

- 1973 йилда ишлаб чиқарилган «ТМ 250 кВа» русумли трансформатор (комплект). **Бошланғич баҳоси — 15 620 000 сўм.**
- 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «ТМ 250 кВа» русумли трансформатор (комплект). **Бошланғич баҳоси — 15 329 000 сўм.**
- 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ГКТП 1000 кВа» русумли трансформатор (комплект). **Бошланғич баҳоси — 32 675 000 сўм.**

Мақзур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2014 йил 2 январь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача куйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш: 2 декабрь кундаги савдога — 28 ноябрь, 17 декабрь кундаги савдога — 13 декабрь ва 2014 йил 2 январь кундаги савдога — 2013 йил 30 декабрь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва куйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий кўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва кўшимча маълумот олиш манзили:  
**Нукус шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 122-уй, 2-кават, 17-хона.**  
Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.

**Гувоҳнома № 004059.**

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**2013 йил 26, 28 ноябрь ва 5 декабрь кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.**

**Оммавий оферта савдоларига «AGROBANK» очик акциядорлик тижорат банкининг куйидаги хўжалик жамияти устави фондигаги 100% банк улуши куйилмоқда:**

Т/р	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва таъкиллик ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога куйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси, сўм
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши	
1.	«PARKENT CHORVASI» МЧЖ	Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Паркент» ҚФЙ, Куйилма участкаси.	Жамият уставида чорва молларини янада кўпайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолиси биланги ва даромадларини, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорининг тўлдирилишини таъминлашдан иборат, шунингдек, жамият белгиланган тартибда қонун билан таъкиланмаган бошқа тижорат фаолияти билан шугулланиши белгиланган	2 417 248 000

**Оммавий оферта шартлари.**

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат бож, гаров таъминоти таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), оммавий оферта савдоларининг таъкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оммавий оферта савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва куйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш мuddати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ҳамда имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мақзур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога куйилаётган улуш бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закалат пулини «Toskent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улуши сотилаётган қонунга билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар, унинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-кават, 307-хона (мажлис залли).**

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**  
**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй, телефонлар: (8-371) 150-85-23, 277-42-44, тел./факс: (8-371) 150-53-95.

**Савдо таъкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 4-кават, 401-хона, телефон: (8-371) 233-02-49, тел./факс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru

**Гувоҳнома № 005357.**

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ  
Андижон вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2011 йил 24 январдаги 17-1010/15913-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Асака тумани, Амир Темур кўчаси, 35-уй, Андижон вилояти «Иссиқлик манбаи» ИЧБ ОАЖга тегишли 7972,0 кв.м. ер участка сатхи, 1762,73 кв.м. қурилми майдонида жойлашган бино-иншоотлар сув иситувчи қозон билан куйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 250 346 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2013 йил 20 декабрь куни

соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати — 2013 йил 18 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар ОАТ «Савдогар» банкидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уй, 105-хона.  
Телефон: (8-374) 228-47-62. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар такроран куйилмоқда:

1. Зангиота тумани СИБ томонидан 5288/24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙ, Абдулла Қодирий кўчасидаги 8-уй.

**Бошланғич баҳоси — 241 250 000 сўм.**

2. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 9304-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳрида жойлашган кўчмас мулк (бино-иншоот).

**Бошланғич баҳоси — 1 594 184 490 сўм.**

3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2013 йил 18 мартдаги 898-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 5-уй, 4-хонадон.

**Бошланғич баҳоси — 19 473 523 сўм.**

4. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 2013 йил 2 мартдаги 47613/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Қори-Ниёзий кўчаси, 10/1-уй, 30-хонадон.

**Бошланғич баҳоси — 436 891 003 сўм.**  
Аукцион савдоси 2013 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

5. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 14 октябрдаги 24259-60-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 120-уйда жойлашган савдо дўкони.

**Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.**

6. Шайхонтохур тумани СИБ томонидан 2013 йил

30 августдаги 10-1303/11570-сонли ижро варақасига асосан очилган 12367/24-сонли ижро иши бўйича Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Кичик ҳал

